

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И**

2022 йил март ойининг 01 куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Э.Тургунбоев, ҳайъат судьялари: А.Шамсутдинова ва О.Илхомжоновлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси О.Ортиқалиевнинг котиблигида, тарафлардан – прокурор Х.Назаров, маҳкум Р.Тўлкинов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат Ш.Қаландарованинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2022 йил 17 январдаги ҳукми билан судланган

Тўлкинов Рустамжон Рахимжон ўғли - (TO'LQINOV RUSTAMJON RAXIMJON O'G'LI), 1995 йил 27 июль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 06.03.2012 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 71-моддасига асосан жазодан озод этилган;

2) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 02.10.2012 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари, 168-моддаси 2-қисми “в” банди ва 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59,61,82,85-моддалари тартибида, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва 20 баравари миқдорида, яъни 1.258.400 сўм жарима жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 2 йил синов муддати белгиланган;

3) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 24.12.2012 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 82,59-моддаси 8-қисми тартибида, 20 баравари миқдорида, яъни 1.258.400 сўм жарима ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 2 йил синов муддати белгиланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2012 йилги Қарорига асосан жазодан озод этилган;

4) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 12.03.2013 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбли деб



топилиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 83-моддаси тартибида, 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 18.04.2013 йилги ажримига кўра, туман судининг ҳукми ўзгартирилиб, ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 82-моддаси тартибида, 10 баравари миқдорида, яъни 795.900 сўм жарима жазоси тайинланган;

5) жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 12.09.2013 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 1-қисми, 169-моддаси 1-қисми, 227-моддаси 2-қисми “а” банди ва 166-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 59,60,61,83-моддалари тартибида, 4 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва 10 баравари, яъни 795.900 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган;

6) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 24.01.2014 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61,85-моддалари тартибида, 4 йил 10 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва 10 баравари, яъни 795.900 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган;

7) жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 02.12.2015 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида, 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва 10 баравари, яъни 795.900 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 28.07.2020 йилги ажримига кўра, 4 йил 26 кун жазо муддати ЖКнинг 74-моддасига асосан иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

8) жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 15.11.2021 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида, 10 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва 795.900 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 06.01.2022 йилги ажримига



кўра, туман судининг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Т.Расулов кўчаси, 164-уйда яшовчи, жиноят иши юзасидан “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 04.08.2021 йилдан қамокда сақланганга

оид 1-1003-2204/17-сонли жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукмдан норози бўлиб, маҳкум Р.Тўлқинов томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2022 йил 17 январдаги ҳукмига кўра, Р.Тўлқинов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан айбли деб топилиб, шу моддага асосан унга 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида, Р.Тўлқиновга узил-кесил ўташ учун 795.900 сўм миқдоридан жарима жазоси ва 10 (ўн) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи ва жазони ўташ муддати 04.08.2021 йилдан бошлаб ҳисобланиши белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.Тўлқинов, совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиш мумкин бўлган нарсаларни намоёни қилиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, безорилик қилиш мақсадида, 2021 йил 15 июль куни соат 05:00да, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 16-мавзе, “Фидокор” маҳалласидаги “Андалус” савдо мажмуаси олдида жабрланувчи Аралова Мафтуна Хасан қизини ҳеч бир сабабсиз баданининг турли жойларига қўллари билан уриб-дўппослаб, қўлидаги шиша синиғи билан қоши ва лаб қисмига тан-жароҳатлари етказган.

Суд-тиббийёт экспертисининг 27.07.2021 йилдаги 4292-сонли хулосасига кўра, М.Араловада “ўнг ва чап кўз атрофида қонталашлар, ўнг ёноқ соҳаси, 2-3 чап оёқ панжаси, чап қош юзаси лат еган жароҳати, қошлар соҳаси ва юмшоқ тўқималар юзаси қонталашлари” тан-жароҳатлари аниқланган бўлиб, ушбу тан-жароҳатлари тўмтоқ предмет билан етказилган бўлиши, ўнг кўзининг ташқи бурчаги, ўнг бурун бурмаси соҳаси, бурун чап қаноти соҳаси, чап кўз пастки қовоғи соҳасида, юқори лабнинг четиди, тери билан лабнинг чегарасида ўткир кесувчи предмет таъсирида юза кесилган жароҳатлар мавжуд бўлиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра, соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган енгил тан-жароҳатлари туркумига кириши аниқланган.

Маҳкум Р.Тўлқинов апелляция шикоятида, содир этган қилимишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, ўзига тегишли хулоса чиқариб олгани, оилада ягона боқувчилиги, яқинда турмуш қургани, оиласи бузилиб кетишдан хавотир олаётгани, онаси инсулт касаллигига дучор бўлгани, шу сабабли, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, енгиллик беришини сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья О.Илҳомжоновнинг маърузасини, прокурор Х.Назаровнинг келтирилган апелляция шикоятини рад қилиб, суд



хукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, маҳкум Р.Тўлқинов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Қаландарованинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга атрофлича ўрганиб чиқиб, уларни таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим деб топади.

Суд ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ, жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94 ва 95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Маҳкум Р.Тўлқинов апелляция инстанция суди мажлисида, апелляция шикоятини тўлиқ қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, шикоятда кўрсатилган важларни инобатга олиб, апелляция шикоятни қаноатлантиришни сўради.

Маҳкум Р.Тўлқиновнинг мазкур жиноятни содир этишдаги айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, ариза, билдирги, тушунтириш хатлари, жабрланувчи М.Аралова, гувоҳ Д.Нормуродова ва Н.Омоноваларнинг кўрсатувлари, тиббий маълумотнома, экспертиза хулосалари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар, кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят иши юзасидан тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Биринчи босқич суди томонидан Р.Тўлқиновнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июнь кунги 9-сонли “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи босқич суди, Р.Тўлқиновга нисбатан жазо тайинлашда, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, унинг шахсини, ёшини, оилавий ва моддий шароитини, оилада ягона боқувчи эканини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва енгиллик беришни сўраганини эътиборга олиб, у айбли деб топилган модда санкцияси доирасида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлаб, жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 15.11.2021 йилги ҳукми билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 60,61-моддалари тартибида, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва жарима жазоларини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш ва жарима жазосини тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати



А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2022 йил 17 январдаги **Тўлқинов Рустамжон Рахимжон ўғли - (TO'LOQINOV RUSTAMJON RAXIMJON O'G'LI)**га нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 498-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари:**

**Э.Тургунбоев
А.Шамсутдинова
О.Илхомжонов**

Маърузачи: Илхомжонов Одилжон Илхомжон ўғли

